УДК 371.302.2

MULTI-LEVEL (ТУРЛИ ТИЛ БИЛИШ) ДАРАЖАСИАГИ ТАЛАБАЛАРНИНГ ТИЛ ЎРГАНИШГА БЎЛГАН ҚИЗИИШИНИ ОШИРИШДА ЎҚУВ МОТИВАЦИЯСИНИНГ АҲАМИЯТИ

Шаматова Оминахон Шукурдиновна
Андижон давлат педагогика институти
«Факултетлар аро чет тиллар» кафедраси
ассистенти

Аннатация:Дарс жараёнидаги ўқув мотивациясини шакллантириш масаласи яқин йилларгача алоҳида муаммо сифатида кўриб чиқилмаган. Лекин дидактик маълумотлар таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, талабаларни ўқитилаётган фанга қизиқтириш яъни мотивациясини уйғотиш тамойиллари психология соҳаси вакиллари тамонидан аллақачон ишлаб чиқилгандир. Бу мақолада амалий машғулот даврида ўқув мотивациясини яратишда ўқитувчининг касбий компетентлилиги муҳим ўрин тутиши ҳақида фикр юритилади.

Калит сўзлар: Дидактик материаллар, тамойил, омил, компетентлик, ўқув мотивацияси, методологик омиллар, стратегия, аутеник.

ЗНАЧЕНИЕ УЧЕБНОЙ МОТИВАЦИИ В ПОВЫШЕНИИ ИНТЕРЕСА К ИЗУЧЕНИЮ ЯЗЫКА У РАЗНОУРОВНЕВЫХ СТУДЕНТОВ

Шаматова Оминахон Шукурдиновна
Андижанский государственный
педагогический институт
кафедра «меж факультет иностранных языков»
ассистент

Аннотация:Вопрос формирования учебной мотивации в ходе урока не рассматривался как отдельная проблема до последних лет. Но анализ дидактических данных показывает, что принципы формирования у учащихся интереса к преподаваемому предмету, т. е. пробуждения их мотивации, уже разработаны представителями области психологии. В данной статье рассматривается значение профессиональной компетентности учителя в создании учебной мотивации в процессе практического обучения.

Ключевые слова: Дидактические материалы, принцип, фактор, компетентность, учебная мотивация, методические факторы, стратегия, аутентичность.

THE IMPORTANCE OF LEARNING MOTIVATION IN INCREASING INTEREST IN STUDYING A LANGUAGE IN MULTI- LEVEL STUDENTS

Shamatova Ominakhon Shukurdinovna
Andijan State pedagogical institute
Department of Interfaculty of Foreign Languages
assistant

Annotation: The issue of the formation of learning motivation during the lesson was not considered as a separate problem until recent years. But the analysis of didactic data shows that the principles of forming students' interest in the subject being taught, that is, awakening their motivation, have already been developed by representatives of the field of psychology. This

article discusses the importance of a teacher's professional competence in creating learning motivation in the process of practical learning.

Key words: Didactic materials, principle, factor, competence, learning motivation, methodological factors, strategy, authenticity.

Бугунги кунда мамлакатимизда илм – фан ва иқтисодиётни жадал ривожланиши барча соҳа вакилларини касбий фаолиятлари давомида чет тилларида эркин мулоқотга кириша олишларини вазият юзасидан тақозо қилмоқда. Айнан бу жараён инглиз тилига бўлган талаб ва эҳтиёжни кучайтириб, талабаларнинг касбий тайёргарлигида уларга тил ўқитишнинг такомиллаштирилган вариантларини ва оптимал ёндашувларни таклиф килишимизни талаб қилмоқда. Юртимиз олийгоҳларида таълим тарбия беришни сифат жиҳатдан ислох қилиниши, олий таълим тизимига инновация, илғор хорижий тажриба, ўқитиш жараёнига ахборот технологияларни кенг татбиқ қилиниши нафақат малакали мутахассисларни тайёрлашга, балки хорижий тилларни ўқитишга талаб ва эҳтиёжни кучайтириб, соҳа вакиллари зиммасига улкан масъулият юклади. Юқоридаги талабларни амалга оширишда ўқув муассасаларида ҳар тамонлама мукаммал яъни илмий салоҳиятга эга бўлган, ўз фанини яхши биладиган маҳоратли ўқитувчиларга мухтожлик сезилмоқда. Чунки олий таълим талабаларининг психологияси мактаб ёки академ лицей талабаларига қараганда ўзига хослиги билан ажралиб туради ва бу ўзига хослик уларнинг ёшида, жинсида, динида ва таьлим олаётган йўналишларида намоён бўлмоқда. Талабаларга чет тилларни ўқитишда эса уларнинг психологияси муҳим ахамият касб этиб, бу ерда ўқитувчининг мотиваторлиги Мотивациянинг даражалари ҳам айнан шахснинг ёши ва психологик ўзгаришлар билан боғликдир. Йиллар давомида хар бир шахс ўзининг вояга етиш жараёнида уни борликка яъни атроф муҳитга бўлган муносабатининг ўзгариши уни фикрлаш доирасини ҳам ўзгаришига олиб келади. Ёшликдаги ишонувчанлик психологияси, ўсмир даврига келиб фактларга таяниши билан характерланади. ***Олийгоҳ талабаларининг чет тилларини ўрганишга бўлган қизиқишини айнан фикрлаш жараёни билан ўқув мотивация уйғунлигини топа олганимиздагина олдимизга қўйган мақсадимизга эриша оламиз.***


Биз олий таьлим нофилологик йўналиш талабаларига таълим берар эканмиз АТКИ (Ахборот технологиялари компьютер инжинеринг) йўналишининг турли билим даражасидаги талабаларга чет тилларни ўқитишда дидактик материалларнинг соҳавийлиги, қизиқарлилиги уларни тил ўрганишга бўлган қизиқишига таъсир қилишини таъминлаши лозим. Лекин уларни тил ўрганишга бўлган қизиқишини оширишда ўқитувчининг ўз касбини устаси ёки бошқача қилиб айтганда касбий компетентлилиги катта роль ўйнайди. Турли билим даражасидаги талабаларни дарс машғулотига қизиқтириш учун ўқитувчи иложи борича талабаларда психологик жиҳатдан таъсир қилиши ва қуйидаги вазифаларни амалга ошириши мақсадга мувоффиқдир. Бу тамойиллар уларни тил ўрганишга бўлган қизиқишини маълум бир миқдорда таъминлайди. Ўқитувчининг амалий машғулот жараёнида эътибор бериши керак бўлган омиллар:

- ўз фанига бўлган қизиқишини ошириши;
- топшириқларга қизиқиш уйғотиши;
- талабалар билан яқиндан мулоқот ўрнатиши;
- уларнинг ҳаётий шароитларини ўрганиши;
- мақсадларини аниқлаши;

- уларни руҳлантирувчи омилларни топа олиши;
- билим даражаларини алоҳида эътироф этмаслик;
- даражалари юзасидан табақаларга ажратмаслик керак.

Юқорида келтирилган омиллар талабаларни шахс сифатида ўзлигини англашга ёрдам беришгина қолмасдан, балки уларни тил ўрганишга бўлган қизиқишини ошишига хизмат қилади. Бу омилларнинг машғулот даврида қўлланиши ўқитувчининг касбий компетентлилигини ошишига, касбий фаолиятида ривожланишига, ўсишига хизмат қилади. Қуйидаги расмда ўқитувчининг дарс жараёнида қўллаши керак бўлган факторларнинг таъминотини тасвирлашга харакат қилдик. (Расмга қаранг 1.1.)

ЎҚИТУВЧИНИНГ ДАРС ЖАРАЁНИДАГИ ФАОЛИЯТИ



Расм 1.1.

Расмда ўқитувчининг **касбий компетентлик қобилияти ва ўқув мотивацияси** билан интегратциялашган ҳолати тасвирлангандир. Бунда дарс машғулоти учун танланган ўқув материаллари, бу материалларни таклиф қилишда фойдаланилган стратегиялар яъни ўқитувчининг методологияси кучлилиги ва мақсадлилиги билан ажралиб туриши дозимдир. Ундан ташқари дарс жараёнида унинг касбий компетентлилиги талабалар ва ўқитувчи орасида психологик жиҳатдан ўзаро ишончни пайдо бўлишига замин яратади. Ўқитувчининг касбий компетентлилиги қуйидагиларни ўз ичига олади:

- психологик ва педогогик компетентлилик;
- IT технологияларини ва инновацион технологияларни қўллай олиши;
- ўқитиш стратегияси ва методологияси;
- ўқув материалларининг ранг – баранглилиги ва қизиқарлилиги;
- таъсирли, мавзуга оид аутентик аудиаовизуал материаллардан фойдаланиши;
- ўзига хос мотивацион усулларни қўллай олиши.

АТКИ йўналиши талабалари компьютер, электроника соҳаларини яхши билиши билан характерлансада кузатувларимиз натижасида шуни аниқладикки, бу йўналиш талабаларининг баъзилари тил ўрганиш жараёнида инглиз тилидаги мавжуд граматик қонуниятларни ўздаштиришларида бир қатор қийинчиликларга дуч келишмоқда. Ёки лексик бойликларини камлиги сабабли уларнинг тинглаб тушуниш, ўқиш, ёзиш кўникмаларини ривожлантиришда бир қатор қийинчиликларни юзага келтирмоқда. Баъзан ўзи атрофидагиларни руҳий кечинмаларини тўғри бахолай олмасликлари ҳам уларнинг мотивациясига таъсир қилишини кузатдик. Бундай холатларда ўқитувчи Noemi Ollero Ramireznинг ўз мақоласида берган маслахатига биноан қуйидагиларни амал ошириши мақсадга мувоффиқдир. У ўз мақоласида ёзишича: «Бундан ташқари

масаланинг иккинчи тамони мавжуд бўлиб, ўқитувчи талабанинг психологиясини яхши билиши, ўз тараққиёти ва иқтидорини намоён қила олишни билиши, дарс жараёнидаги турли ўзгаришларга психологик жиҳатдан тайёрлигини таъминлаши, янгича фикрлаши ва тафаккур қила олиши, рўй бераётган жараёнларни тўғри идрок қилиши жуда муҳимлигини таъкидлайди. Ўқитувчиларнинг ўқув жараёнидаги касбий барқарорлиги, хулқ атвори, методикаси, ўқув ишчи дастурларини тузиши, талабалар билан норасмий алоқалари, топшириқларнинг тури, табиати ва хаттоки синф муҳити ҳам талабаларнинг чет тилларни ўрганишга бўлган мотивациясига таьсир қилади» дейди [1.696] Тахлиллар натижаси шуни кўрсатмоқдаки ўқитувчи дарс жараёнидаги ўзига хос ўқув мотивацияни яратишга масъулдир.

АТКИ йўналиши турли билим даражасидаги талабаларини мотивациясини ривожлантиришда:

- ҳар бир дидактик жараён мақсадли бўлиши;
- ўқитиш воситаларининг мазмун ва моҳияти реалликни акс эттириши;
- ўқитиш мазмунини бахолаш мезонлари билан таъминлаши уларни тил ўрганишга бўлган мотивациясини уйғотишга хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Cook, V. (2000). *Linguistics and second language acquisition.* Beijing: Foreign Language Teaching and Research Press and Macmillan Publishers Ltd.
2. Deci E.L, Flaste R. Why do we do what we do: the dynamics of personal autonomy. USA: Putnam`s Son`s, 1996.- p 10.
3. С.Л. Рубинштейн. Основы общей психологии. – СП б:Питер 2008. (526-527с)
4. N.O. Ramirez. The Influence of Motivation in the Foreign Language Learning Process. FORUM DE RECERCA – ISSN 1139-5486 – http://dx.doi.org/10.6035/ ForumRecerca.2014.19.44 № 19/2014.pp. 695-707
5. Ana Sofia Gonzalez. The Influence of Cultural Contexts in Learner`s Attributions for Success and Failure in Foreign Language Learning. 2015. 28p. Cambrige Scholar Publishing.
6. N. Oroujlou, Dr. Majid Vahedi. Motivation, attitude, and language learning. 1877-0428 © 2011 Published by Elsevier Ltd.Selection and/or peer-review under responsibility of Dr Zafer Bekirogullari. doi:10.1016/j.sbspro.2011.11.333 Open access under CC BY-NC-ND lisence. [995-999p]